

Дунёнинг қадимий шаҳарларидан бири Термизнинг 2500 йиллик юбилейини муносиб нишонлаш учун Сурхон воҳасидаги корхона, ташкилот ва муассасалар ўз ҳиссаларини қўшмоқда. Юбилей объектларини қуриш, таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларига бош қўшган ҳомиёлар сафи кенгаймоқда.  
«Сурхонтекстиль» ҳиссадорлик жамияти юбилейга тайёргарлик ишлари учун махсус ҳисоб рақамига 5 миллион сўм пул ўтказди. Шунингдек, Шўрчи ва Термиз гишт заводларининг қурилиш маҳсулотлари юбилей объектларини тиклаш ва таъмирлашга юборилмоқда.



# ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 14 июн, чоршанба №85 (917)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА  
ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Ёз гапоти

## БОЛА КУЛСИН ЖАҲОНДА

Ёзги таътилни кўнгиладигидек ўтказиш учун вилоятимизда талай ишлар амалга оширилди. Вилоят ҳокимияти, касаба уюшмалари Кенгашининг саъй-ҳаракатлари билан 18 та шаҳар ташқарисидаги оромгоҳлар 2000 нафарга яқин болажонларни ўз бағрига олди. Чунончи, «Бухоро кооптранс» акционерлик жамияти тасарруфидоги «Йўлдош», «Нефтьгазқурилиштаъмир» ҳиссадорлик жамиятининг «Мовий гулхан», «Бухоротекс» ҳиссадорлик жамиятининг «Ёш тўқимачи», «Бухоро электротармоқлари» ва «Электротраққа» бирлашмасига қарашли «Электрон», «Ёш алоқачи» оромгоҳлари хомий ташкилотларнинг саховати, бегараз ёрдами билан жаннатмакон масканга айлантирилди. Болаликнинг беғубор, гўзал онларини шод-хуррам-

ликда ўтказишлари учун оромгоҳларда барча шароитлар яратилган, меҳрибон ва ширинсўз тарбиячилар, моҳир ошпазлар, шифокору спорт мураббийлари болажонлар атрофида гирди қаплак. Булардан ташқари 3 та санатория мақомидаги оромгоҳлар болажонлар саломатлигини тиклашга хизмат қилади. Малакали шифокорлар кичкинтойлар дардига малҳам қўйишади. Айни кунда мактаблар қошидаги 72 та оромгоҳда 4000 нафар ўқувчилар ёзги таътилни кўнгили ўтказмоқдалар. Вилоят касаба уюшмалари, халқ таълими, соғлиқни сақлаш ходимлари билан ҳамкорликда ташкил этилган ўқув-семинарда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши томонидан ишлаб чиқилган йўриқномалар оромгоҳ бошлиқлари ва

тарбиячиларига етказилди. Эҳтиёжманд ва кам таъминланган оилаларнинг болалар учун тармоқ касаба уюшмалари, вилоят болалар жамғармаси имтиёзли йўлланмалар ажратди. Бутун ёз мавсуми давомида вилоят ҳокимлиги маданият ишлари бошқармаси, киновидео хизматлари оромгоҳларга имтиёзли маданий хизмат кўрсатадиган бўлди. Оромгоҳларда «Маънавият ва маърифат» хоналари ташкил этилиб, улар Президент асарлари, адабиётлар, газета ва журнал тахламлари билан бойитилди. Хуллас, фарзандларимизни қизиқарли ўйинлар, турли спорт мусобақалари, кўнгилочар тадбирлар, саёҳат ва учрашувлар, сув ҳавзалари, томоша заллари кутмоқда. Мустақил юртимизнинг кичик фуқаролари бўлган болалар ва

ўсмирлар онгида маънавият, маърифат ташкилотларини қарор топтириш, ўзлигини аниқлаш, миллат учун қайғуриш, Ватан, миллат улуглигини ҳурмат қилиш туйғусини тарбиялаш, ёш авлодни нурли келажакка тайёрлаш нафақат педагог хонимлар, балки барчанинг зиммасига масъулият юклайди. Зеро, ёшларсиз келажак йўқ. Мустақиллик карвони тизгинини жисмонан бақувват, ақлли, етук, руҳан соғлом ёшлар қўлига топширмоқ учун аввало улар болаликнинг гўзал онларидан баҳраманд бўлишлари даркор. Вилоят касаба уюшмамиз фаолияти айни кунда ана шу эзгу ишга йўналтирилган.

Шаҳодат ИХТИЁРОВА,  
Бухоро вилоят касаба уюшмалари Кенгаши раисининг ўринбосари.

Ўзбекистон Республикаси ФА Қорақалпоғистон бўлими тизимида «Оролбўйи ижтимоий-иқтисодий муаммолари» илмий-текшириш институти иш бошлади. Янги илм маскани Оролбўйи ҳудуди ижтимоий-иқтисодий муаммоларини илмий жиҳатдан ўрганишни йўлга қўйиш, хориз ва Ватанимиз фан-техника янгиликларини ишлаб

### ОРОЛБЎЙИДА ИНСТИТУТ

чиқаришга жорий қилиш каби қатор масалалар билан шуғулланади. Бундай илмий-тадқиқот институтини ташкил этиш эҳтиёжи чорак аср муқаддам кун тартибига қўйилган эди. Лекин шўролар тизими даврида бу ҳаётий масала ҳал қилинмади. Фақат мустақиллик шарофати билан Оролбўйи ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ўз вақтида ҳал қилишда муҳим ўринни эгаллайдиган мазкур институт иш бошлади. Янги илмгоҳ интернет тизимига уланди. Бу эса мазкур тармоқ орқали халқаро жамғармалар ва ташкилотлар билан алоқани мустақамлаб, илмий ишларни кенгайтириш, ривожлантириш учун зарур грантлар олиш имконини беради.



Шодон кайфиятдаги бу отахон Нишон туманидаги фермер хўжалиги раҳбари Носир Норменгов. У ҳақиқий мулкдор кўп ишга қодирлигини амалда кўрсатмоқда. Ҳар йили пахтадан юқори ҳосил олиб, яхши даромад қияпти. Табаррук инсон шунинг ҳисобидан уй қурмоқда, тўй қилмоқда. Енгил автомашинаси яхши кунларига ярапти. Эътиборлиси шуки, мурабий кўп йиллик меҳнат фаолияти давомида лаёқатли шогирдлар тайёрлади.

### ҚЎШМА КОМИССИЯ ЙИГИЛИШИ

Шу кунларда юртимизда Австрия Республикаси Федерал иқтисодий ва меҳнат вазирлигининг ташқи иқтисодий алоқалар бўйича бош директори Й.Захс бошчилигидаги делегация меҳмон бўлиб турибди. Ушбу ташриф доирасида Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигида савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Австрия қўшма комиссиясининг биринчи йиғилиши бўлди.

Айтиш жоизки, мазкур йиғилиш икки давлат ўртасидаги иқтисодий алоқаларини мустақамлаш йўлида қўйилган муҳим қадамдир. Буни ҳар икки делегация аъзолари очик эътироф этди. Таъкидландики, бугунги кунда Ўзбекистонда хоржий ишбилармонлар учун кенг имконият ва қулайликлар мавжуд.

Австрия Ўзбекистоннинг Европадаги энг яқин иқтисодий ҳамкорларидан ҳисобланади. Узро алоқалар 1992 йилнинг сентябрида, яъни давлатимиз раҳбари Исрол Каримовнинг Австрияга амалий ташрифидан кейин ўрнатилган. Президентимизнинг Европа давлатларига сафарлари орасида Австрия биринчилардан бўлган бежиз эмас. Ушунда икки мамлакат ўртасида қатор ҳужжатлар қабул қилинган эди.

Йиғилишда томонлар Ўзбекистон билан Австрия ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорлик алоқаларининг бугунги аҳолини муҳофиза қилди. Шунингдек, келгусида амалга оширилиши лозим бўлган ишлар тўғрисида фикр алмашилди, шерикликни қўйиштириш имкониятлари кўриб чиқилди.

(ЎЗА)

## БОР БЎЛ, ОҚИБАТ!

«Эколот» қўшма корхонаси Қирбай туманидаги вилоят руҳий аномал болалар уйи тарбияланувчиларига қойшаб, кир ювиш воситалари, ёритиш ускуналари сингари жами 250 минг 600 сўмлик хайрия ёрдами кўрсатдилар.

«Эколот»чиларнинг ташрифи биз учун қувончли бўлди. Негаки, улар эҳсон қилган буюмлар болаларнинг кундалик эҳтиёжи учун зарурдир, - деди Меҳрибонлик уйи бош шифокори Гулнора Тўхтазарова «Туркистон-пресс» муҳбири билан суҳбатда. - Шифохона-

мизда етти ёшга бўлган тўқсон нафар бола тарбияланади ва даволанади. Жорий йилнинг июн ойига қадар Осиед маданияти ва тараққиёти институти шифокорлари доктор Ким ва доктор Ко раҳбарлигида саккизта пластик операция ўтказилди. Операция учун дори-дармонлар мазкур институт томонидан етказиб бериб турилди.

Нафсиламбирини айтганда, турли хил жамғарма, ҳокимлик, ташкилотларнинг хайрия тариқасидаги кўмаги тўғрисида бу ерда бирон-бир етишимовчилик

сезилаётгани йўқ. Шундай бўлса-да, бугунги кунда болалар уйи учун мунтазам равишда ёрдам қўлини чўзиб турадиган ташкилотлар, муассасалар керак. — Шунини айтиб ўтиш жоизки, болалар уйлари, интернатлар, шифохоналар маъмурияти бизга ёрдам сўраб муурожаат қилишади, - деди «Эколот» қўшма корхонаси бош директори Шавкат Бекқулбеков. - Албатта, биз қўлимиздан келгунча ёрдам берамиз, лекин барчага бирдек кўмаклашиш имкониятига ҳам эга эмасмиз. Шу

мақсадда «Ёшлар» телеканали билан ҳамкорликда июн ойини — Меҳрибонлик ойи деб эълон қилдик. «Йўлинг ёруғ бўлсин, болажон!» шiori остида болалар уйлари тарбияланувчиларига мурувват кўрсатишга ҳамда улар учун доимий хомий топишга ҳаракат қиялғимиз. «Эколот» қўшма корхонасидан олинган маълумотга кўра, мазкур ташкилот Меҳрибонлик ойида Тошкент вилояти ва шаҳридаги 10 та болалар уйи ва шифохонасига жами 2 миллион 800 минг сўмлик хайрия буюмлари топширадилар.

## ИШСИЗЛИК МУАММОСИ у Марғилонда қандай ҳал этиляпти?

Шаҳарда дастурга асосан 1839 та янги иш ўринлари яратилиши кўзда тутилган эди, амалда эса бу кўрсаткич 2059 тани ташкил этди. Булардан ташқари иш билан таъминлашга кўмаклашиш жамғармаси ҳисобидан янги иш ўринлари яратиш учун 12 миллион 430 минг сўм имтиёзли кредит берилди.

Хуллас, жорий йилда бўлим томонидан ижтимоий ҳимояга муҳтож, меҳнат бозорида тенг рақобатлашишга қодир бўлмаган фуқароларга иш жойларини ташкил этиш, муддатидан илгари пенсия таъминлаш

сингари бир қатор хайри ишлар амалга оширилди. Меҳнат бўлимнинг жорий йил «Бандлик» дастурига мувофиқ 2260 нафар фуқаронинг меҳнат бозорига чиқиши кўзда тутилмоқда. Режа бўйича йил мобайнида 1138 та янги иш ўринлари ташкил этилади. Янги иш ўринлари асосан яқка тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланувчилар ҳисобига 485 та, хусусий ва фирма савдо дўконлари, умумий овқатланиш ташкилотлари ҳисобига 25 та, «Марғилон хонатласи» ҳиссадорлик жамияти ҳисобига 100

та, иш билан таъминлашга кўмаклашиш жамғармаси ҳисобидан ажратилмаган 25 миллион сўм маблағ эвазига эса 50 та иш ўринлари яратилиши кўзда тутилган. Шунингдек, аҳолини вақтинча иш билан таъминлаш мақсадида корхона ва ташкилотларда ҳақ тўланадиган жомоат ишларини ташкил этиш натижасида 50 та ўрин яратилди.

Шаҳар аҳолисини ижтимоий-иқтисодий ҳимоя қилишдек савобий иш жамоа аъзоларининг доимий диққат эътиборида. Лекин 181 минг аҳолиси бор Марғилон шаҳри учун бу кўрсаткич қаноатланарлими? Шу саволга жавоб топиш мақсадида бўлим қошидаги шуъбаларнинг меҳнат фаолиятлари билан қизикдик.

Саодатхон ҲОМИДОВА — ишга жойлаштириш, қайта касб ва хунарга йўллаш шуъбаси бошлиғи:

(Давоми 2-бетда)

### Касаба уюшма ҳаёти

Бекобод туман агросаноат ҳодимлари касаба уюшма кўмитасининг раиси Мўминжон Султонқулов марказий пиллаxonна директори билан Мамажон Усмонов ҳолидан хабар олишди. Ишлаб чиқаришда соғлиғига зарар етган, ҳозирда ногиронлик нафақасида бўлган бу кишига пиллаxonна томонидан 12 минг сўм моддий ёрдам, «Оқтош» санаторийсига йўлланма берилди.

«Хос» жамоа хўжалигида меҳнат қилаётган Мухаббат Омонова ҳам даволаниш учун 4 минг сўм ёрдам уюштирилди. «Далварзин» жамоа хўжалигида яшовчи 61 ёшли Иномжон Болтабоев ҳам касаба уюшмалари томонидан берилган моддий ёрдамдан баҳраманд бўлди.

Мўминжон ака 5 йил таъмирлаш заводи директори, 16 йил хўжалик раҳбари лавозимида меҳнат қилганлиги боис, оддий одамлар шароитини яхши билади. Шунинг учун ҳам йил бошида тармоқдаги касаба уюшмалари бошланғич ташкилотлари раҳбарлари иштирокида ўтган йиғилишда ташаббус билан чиқди: 17 та жамоа ва ширкат хўжалиқлари, 6 та саноат, 4 та қурилиш, 1 та ўрмон хўжалиги, 17 та қайта ишловчи ва қишлоқ хўжалигига кўмаклашувчи жамоалар касаба уюшма кўмиталари қаторига деҳқон ва фермер хўжалиқлари уюшмалари ҳам қўшилиши.

Ана шу кўмиталар ўртасида «Кучли ҳимоя таянчи» кўрик-танлови эълон қилинди. Мустиқиллик байрами арафасида яқунланадиган ушбу танлов шартлари бўйича ҳар бир меҳнатқаш ва уларнинг оила

аъзолари алоҳида эътиборда бўлади. Бозор иқтисоди шароитида хўжалик юртиш услублари ўзгариб бормоқда. Ана шундай мураккаб вазиятда меҳнатқашларни ҳар томонлама ҳимоя қилиш керак бўлади. Шундай вазифани бажа-

ришда жамоа шартномалари асосий ҳаракат дастури ҳисобланади. Ижтимоий ҳимоянинг муҳим шартларидан бўлган меҳнатга ҳақ тўлаш борасида туманда анча баҳарор вазият юзага келди. Шунга қарамадан, «Бекободсувқурилишсаноат» корхонаси, биофабрика, «Далварзинтаъмирлаш» ҳиссадорлик жамияти каби ташкилотларда иш ҳақлари кечикиб тўланмоқда.

Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунлар ҳам касаба уюшмалари олдига муҳим вазифалар қўяди. Масалан, Қонуннинг 14-моддасида 50 нафардан ортиқ киши ишлайдиган корхоналарда техника хавфсизлиги муҳандиси

лавозими жорий этилиши белгилаб қўйилган. Шунга қарамадан, Бобур номли, «Авангард», «Турон», «Фарҳод» хўжалиқларида бу лавозим учун иш ўрни очилмаган. Оқибатда меҳнат хавфсизлиги йўриқномалари эътибордан ўтилмапти. Ишловчининг хавфсизлиги кафолатланмапти.

Ўтган йили турли санаторий ва дам олиш масканларида юзга яқин касаба уюшма аъзолари дам олиб, соғлиқларини тиклаб қайтдилар. Бу йил эса ажратилаётган йўлланмалар сони жуда камайиб кетди. Сабаби — меҳнатқашларни соғломлаштиришга ажратиладиган ижтимоий суғурта маблағининг ўз вақтида тўланмаётганлиги.

ди. Раис ана шу тушумларнинг тезроқ келиб тушиши учун ҳаракат қияляпти. Шу ўринда йўлланмалар нархининг ўта қимматлиги ҳақида ҳам тўхталиб ўтишга тўғри келади. Бундан ташқари, туманда бир неча хил хасталиқларни даволашга ихтисослашган юз ўринли «Фарҳод» сиҳатгоҳини ишга тушириш ҳам муҳимдир.

Касабақўм раисининг иш кунлари ана шундай ўтади. Ҳар кун миқдоргадир яхшилик қилиш, жуда бўлмаганда илиқ сўзлар билан бир одамнинг кўнглини кўтаришни ўзининг бурчи, деб билади.

Темур ХАЙДАРОВ,  
«Ишонч» муҳбири.

## «Ишонч»га жавоб берадилар «КАСАБАҚЎМ ТАШАББУСНИ БОЙ БЕРГАЧ...»

Газетамизнинг шу йил 12 май сониде юқоридаги сарлавҳали мақола босилган эди. Унда меҳнат қонунлари қандай риоя этилиши, иш шароити, хонимлар қайфияти кўп жиҳатдан касаба уюшма етакчиларининг омилкорлиги, ташаббускорлиги, қатъиятлигига боғлиқлиги, касабақўм ташаббусни бой берса, муросазлик йўлини тутса — ҳеч

қачон мақсадга эришиб бўлмаслиги хусусида фикр-мулоҳазалар билдирилган эди. Мақоладаги фактлар вилоят Агросаноат мажмуи ҳодимлари тармоқ касаба уюшма кўмитасининг раёсатида ва Хонқа, Ҳазорасп туманлари тармоқ касаба уюшма кўмиталарининг навбатдан ташқари пленумларида атрофлича муҳокама қилинди. Кўрсатилган камчилик-

ларни бартараф этиш юзасидан аниқ тадбирлар белгиланди. Хонқа туман тармоқ касабақўми раиси Х. Юсупов бошқа ишга ўтганлиги сабабли ўз вазифасидан озод қилинди, Ҳазорасп туман касаба кўми раиси Ш.Кўчқоровни ўз вазифасида қисқа муддат ишлагани эътиборга олиниб, унга хайфсан эълон қилинди ва камчиликларни бартараф

этиш, зарур ҳулосалар чиқариш учун 6 ойлик муҳлат берилди. Меҳнатқашларнинг ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилишни яхшилаш юзасидан вилоят кўмитаси тегишли тадбирларни белгилаб амалга оширмоқда. К.РАХИМОВ, Ҳоразм вилояти агросаноат мажмуи ҳодимлари касаба уюшмаси кўмитаси раиси.

Яхши ишлаб, яхши яшайётганлар

Андижонга бориб қолсангиз, текис ва равон йўллари кўриб кўзингиз қувнайди. Унинг четига дид билан терилган оқланган тошлар, чиройли йўл белгилари ва тўсиқлар, анвойи гулзорларни учратганингизда - бу йўллар ривожланган мамлакат йўлларидан қаери кам, деган фикрга борасиз. Сизни автотранспорт ана шу йўллардан манзилнингизга элтиб кўйганда йўлсозларга тасаннолар айтасиз. Бунда «Андижонавтойўл» давлат акционерлик бirlашмаси ишчи-хизматчиларининг муносиб ҳиссаси бор, албатта.

Мисол учун, бултур Чортоқ, Марҳамат, Чинобод, Бобур номли ва бошқа сихаттоҳларга 54 дона йўлланма ходимларга тарқатилди. Жорий йилда еса ишчи-хизматчиларнинг 25 нафар фарзандлари «Ёш автомобилчи» болалар оромгоҳида дам олишди. Яқинда 72 нафар киши махсус поездда Андижон - Самарқанд - Бухоро - Андижон йўна-



«ГУЛНОЗ»НИНГ ХАРИДОРГИР АТЛАСЛАРИ

Асака туманидаги Арғин қишлоғида тадбиркор аёл Маликаҳон Қаюмова ташкил этган «Гулноз» кичик корхонаси цехларида ишлаб чиқарилаётган хон атласнинг икки тури нафақат туман, балки вилоят аҳолиси ўртасида ҳам ўзининг харидорлиги билан овоза бўлмоқда.

Йигирма беш нафар қишлоқ қиз-жувонлари меҳнат қилаётган бу кичик корхонада тўқилаётган хонатлас ўзининг сержиллиги, қадимий усулда ранг бериб ишлаб чиқарилаётганлиги ҳамда нисбатан арзонлиги учун цехлардан тўппатўғри буюртмачиларга ва харидорларга етказиб берилмоқда.

Эндиликда олинаётган даромадлар ҳисобига бу ерда атлас цехларини кенгайтириш, янгиларини қуриш, аҳоли учун қостюм-шимлар, болалар кийим-кечақлари тикиш коргоҳлари барпо этиш устида иш олиб борилмоқда.

«Туркистон-пресс».

АНДИЖОН ЙЎЛСОЗЛАРИ

МУСТАҲКАМ ИЖТИМОЙ ХИМОЯДА

— Биз хизмат кўрсатаётган йўллар узунлиги 2459 километрдан иборат, - дейди бирлашма раиси Абдулатто Жўраев. - Шундан 99 километри давлат, 797 километри вилоят, 861 километри маҳаллий аҳамиятга эга йўллардир. Бундан ташқари, вилоятнинг 70 фоиз йўлларида аҳоли истиқомат қилишни ҳисобга олган ҳолда 1100 километр пиёда йўлакчаларини қурганимиз.

Фақат, мустақиллик йилларидагина бу соҳага катта эътибор бериб келинмоқда. Бунинг натижаси ўлароқ мамлакатимизнинг минглаб километр йўллари қайта таъмирланиб, жаҳон андозалари талабларига яқинлаштирилди. Биргина Қамчиқ доводига мисли кўрилмаган ишларнинг амалга оширилганлиги фикримизнинг яққол далилидир. Бу ерда бирлашмаимиз фаол қатнашиб келмоқда. Мисол учун, ўтган йили довод йўли қурилишида ишчиларимиз 3 миллиард 159 миллион сўмликдан зиёд иш бажариб, бу борадаги режаларини 158 фоизга адо этдилар.

Бултур жами бажарилган ишлар кўлами 6 миллиард сўмдан ошди. 600 миллион сўмга яқин маблағ иқтисод қилинди.

Йўлсозлар ўтган йили 215 километрдан ортиқ йўлларни тубдан таъмирладилар. Бирлашмага қарашли 8 та асфальт заводида 400 минг тонна асфальт ишлаб чиқарилди. Бу йилги режа — 500 минг тонна. Шу боис, улар апрел ойининг ўзида 90 минг тонна асфальт тайёрлашга эришдилар. Режа еса 60 минг тонна эди. Шу ойда ишчилар 37,7 километр йўлни тубдан таъмирлаш режасини тузган эдилар. Бу рақамни 48,7 километрга етказдилар.

Кўзда тутилган режаларнинг мунтазам ортиги билан бажарилиши, ишлаб чиқаришдан олинаётган фойданинг кўпайганлиги ишчи-хизматчиларга ойлик маошони ўз вақтида тўлаб бориш, ижтимоий ҳимоялаш, соғлиқларини тиклаш, меҳнат муҳофазасини яхши йўлга қўйиш имконини яратмоқда. Гапимиз куруқ бўлмаслиги учун бунга бир неча мисоллар келтирсак. Биринчидан, ишчилар бажарган ишлари натижасига қараб вақти-вақти билан мукофотланиб турилади. Иккинчидан, қурилишда фаолият кўрса-

таётган барча ходимларнинг тушлик овқатлари 100 фоиз бирлашма томонидан қопланади. Меҳнат муҳофазаси бўйича ишчилар махсус кийим-кечак билан таъминланган. Уларга сут-қатиқ бериб турилади ва ҳоказо.

Маъмурият ва касаба уюшма кўмитаси ҳамкорлигида айниқса ходимларнинг соғлигини тиклаш ва уларнинг дам олишларига катта аҳамият берилмоқда. Масалан, шу йилнинг ўзида вилоят клиник шифохонаси билан шартнома тузилиб, бирлашма томонидан юқоридаги муассасага 2 миллион сўм пул ўтказилди. Ҳар бир йўлланма 22 минг 500 сўм тургани ҳолда, шу кунгача мазкур шифохонада 86 нафардан ортиқ киши бепул даволандилар.

— Шу йилнинг апрел ойида юқоридаги шифохонада даволаниб қайтдим, - дейди бирлашманинг Избоскан туман бошқармаси хайдовчиси Маҳмуджон



Абдуллаев. - Бирлашма касаба уюшма кўмита раиси Фафур ака Бердиевга раҳмат. У киши касалигим юзасидан ёзган аризамни тезда ижобий ҳал қилиб берди. Натижада соғлигимни тиклаб, ишга қайтдим.

— Мен еса илгари ишлаганман. Ҳозир нафақаданман, - дея суҳбатга қўшилди Андижон туманининг Толмозор маҳалласида истиқомат қилувчи Одижон ота Йўлдошев. - Лекин бирлашма раҳбарияти мени унутиб қўйгани йўқ. Аксинча, улар касаба уюшма фаоллари билан тез-тез хабар олиб туришади. Кам-кўстимга ёрдам кўрсатади. Қариллик эмасми, яқинда сал мазам қочиб қолди. Бундан хабар топган маъмурият мени юқоридаги касалхонага бепул жойлаштирди.

Ишчи-хизматчилар ва нафақадорлар вилоят ҳамда республикамизнинг бошқа санаторийларида ҳам соғлиқларини тиклаб, дам олиб қайтишмоқда.

лишлари бўйлаб бепул саёҳатга бориб келдилар. Саёҳат бирлашма билан «Андижонтурист» ҳиссадорлик жамияти ўртасидаги шартномага асосан амалга оширилиб, 1 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди. Бундай тадбир ўтган йили ҳам ўтказилган эди.

Кам таъминланган оилаларга ёрдам қўлини узатишдек савобли ишни амалга ошириш бирлашмада аънамага айланиб қолган. Ҳозирги кунда жамоада 60 нафар ана шундай кам даромадли оилалар ҳисобга олинган. Ҳар бир байрамда ва вақти-вақти билан уларнинг ҳолидан хабар олинади, озиқ-овқат маҳсулотлари билан ёрдам бериб турилади. Болаларига ўқув куроллари ва кийим-кечак харид қилинишида кўмаклашилади. Кам харжли оила фарзандларининг институт ва коллежларда контракт асосида ўқишида ёрдам кўрсатилапти. Шу йилнинг ўзида кам даромадли оилаларга жами 800 минг сўмга яқин ёрдам қилинди.

Раҳбарият ва бирлашма касаба уюшмаси ўртасида имзоланган жамоа шартномасида меҳнатни рағбатлантиришга катта аҳамият берилган. Бирлашмага қарашли корхона ва ташкилотлар ўртаси-

да ҳар хил мусобақалар уюштирилади. Фолиблар муносиб тақдирландилар. Бултур сентябр ойида Андижон - Тешиктош - Ойим йўлини тез ва, сифатли асфальтлаш бўйича меҳнат жамоалари ўртасида кўрик-танлов эълон қилинган. Шу йил бошида ана шу беллашувга яқун ясалди. Унда вилоят кўприклардан фойдаланиш бошқармасининг Абдувосил Собиров бошлиқ бўлими голиб деб топилди, жамоага «Отайўл» юк автомашинаси совға қилинди. Жамоа 15 нафар илғор ишчиларининг ҳар бири гилам билан тақдирланди. Танловда иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллаган Хўжаобод ва Олтинкўл туманлари автомобил йўллари бўлимлари ҳам биттадан «Отайўл» юк автомашиналарига эга бўлишди. Жамоаларнинг бир гуруҳ ишчиларига қимматбаҳо совғалар берилди.

Ҳулум ЮСУПОВ, «Ишонч» мухбири.

МЕҲНАТ АРДОҚЛАГАН КИШИЛАР

Моҳир механизатор Комил Фармонов (суратда) Бухоро вилоятининг донгдор деҳқонларидан бири Ҳазрат бобо Облокулов шогирди. Унинг фидойилиги, ҳар бир агротехник тадбирни вақтида сифатли ўтказишга эришаётгани туфайли экинлар кунда бир яшнамкоқда. Ҳазрат бобо шогирдлари бултур пахта ҳосилдорлигини 62 цент-

нерга етказдилар. Бригада аъзолари 20 миллион сўм атрофида даромад олишди. Саркорнинг вилоят ҳокимлиги томонидан енгил автомашина билан тақдирланиши зарбдорлар меҳнатига берилган муносиб баҳо бўлди.

Эътиборлиси шуки, донгдор бригада бошлигининг тажрибалири кенг оммалаштирилмоқда.

— Устозимиз билан фахрланамиз, - дейди механизатор Комил Фармонов. У 73 ёшини қаршилаган бўлсада ёшлардек серғайрат, қатъиятли, ташаббускор деҳқон. Бу йил Ғиждувон туманидаги С.Айний номли ширкат ҳўжалигида дақиқалар қадрига етиб ишлаб, ғалладан ҳар қачонгидан мўл ҳосил олишни кўзлаямиз.

ЧИРОЙИ ЎЗГАЧА

Самарқанд давлат чет тиллар институти қошида халқаро ўқувчилар оромгоҳи ташкил этилди. Бу ерда чет тиллар бўйича республика олимпиадаларида голиб чиққан ўқувчилар дам олади. Шуниси эътиборлики, оромгоҳда болалар дам олиш ва соғлигини тиклаш билан бирга, чет тилларидан олган билимларини ҳам мустаҳкамлайди. Ўзаро мулоқотлар фақат хорижий

тилларда бўлади. Машгулотлар олиб бориш учун АҚШ «Тинчлик корпусининг» 8 нафар вакили тақлиф этилди. Ўқувчилар кутубхоналар, спорт зали ва компьютер хоналаридан фойдаланишади. Шунингдек, улар Самарқанднинг диққатга сазовор жойлари, меъморий обидалари, зийратгоҳлари билан танишади. Хушхаво тоғлар бағрида саёҳатлар уюштирилади.

2000 йил — Соғлом авлод йили

ШИФОКОРЛАР ҚИШЛОҚЛАРДА

Бизнинг туманимиз Мирзачўлнинг марказий ёрдаида ташкил этилган бўлиб, йил сайин чўлқуварларнинг турмуш тарзини яхшилаш борасида анчагина тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Жумладан, барча қишлоқлар аҳолиси ичимлик суви, табиий газ билан таъминланган. Маданий-маиший, савдо, тиббий хизматда ҳозирча унча-кўп муаммолар йўқ. Транспорт, алоқа хизмати ҳам меъёрга солинган. Мактаблар, боғчалар, жамоат ташкилотларига ҳоким қарори билан имконият даражасида ер ажратилган. Бу каби ишлар «Соғлом авлод» дастурини амалга оширишда янада қулай шароит яратмоқда.

Айни пайтда аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, она ва бола соғлигини сақлаш масалалари бўйича мониторинг гуруҳлари иш олиб борапти. Тиббиёт ходимларининг иш ҳақлари еса ўз муддатида берилаяпти. Уларга иш ва дам олиш хоналари яхши жиҳозлаб берилган. Йигирма тўрт ҳодим моддий рағбатлантирилди. «Тинчлик», Беруний номли ижара-ширкатлар бирлашмаларида янгидан қишлоқ врачлик пунктлари очилди. Ўттиз нафар шифокор ва ўрта тиббий ходим меҳнат таштиллари сихаттоҳларга ўтказишди. Йилига ўттиз-қирқ нафар фарзандларимизни оромгоҳларга жўнатаяпмиз. Бу йил шунча бола қўшимча равишда мактаб қошида очилган кундузги оромгоҳда дам олади.

Соғлом авлодни вояга етказиш учун тиббиёт ходимининг ўзи кайфияти чоғ ва соғлом бўлиши керак. Шу боис, ҳар йили қишлоқ касалхоналарини, врачлик пунктларини замонавий асбоб-ускуналар билан тўлдириш, ходимларимизни маляриясини ошириш устида иш олиб бораёпмиз. Марказий касалхонанинг ҳар битта бўлими тумандаги биттадан

ҳомий ташкилотга бириктирилган. Улар таъмирлашдан ташқари ўз маблағларига юмшоқ ва қаттиқ мебеллар, гилам ва поёндозлар ҳам олиб беришади.

Соғлом авлод йилида асосий эътиборни туғруққа тайёрлаш бўлими фаолиятига қаратдик. Она ва бола саломатлиги кўпроқ шунга боғлиқ-да. Оилалар билан ишчи гуруҳларимиз узвий алоқада. Биз жойларга чиққанда оила бюджетини режалаштириш, камқонлик асоратлари ҳақида туғиш ёшидаги ва ҳомилдор аёллар билан алоҳида суҳбатлар ўтказаяпмиз. Натижа бўлаяпти. Шу соҳада олтин бригада иш олиб борапти. Улар тарихида терапевт, гинеколог, болалар шифокорлари ва тор доирадаги мутахассислар бор. Алоҳида «Дамас» машинаси улар хизматига бериб қўйилган. Шу йилнинг биринчи чорагидаёқ туғиш ёшидаги эллик етти фоиз аёллар кўриқдан ўтказилгани ёмон кўрсаткич эмас. Улардан 2360 нафари тўлиқ соғломлаштирилди. Болалар соғлиги муҳофазаси алоҳида назоратда. Ўтган тўрт ой мобайнида ўн тўрт ёшгача бўлган болаларнинг тўқсон саккиз фоиздан кўпроги режали тиббий кўриқдан ўтказилди.

Айнан касаба уюшма кўмитаси аранлашуви билан шу кўрик давомида аниқланган касалликлар бўйича қирқ икки бемор бола санаторийларга жойлаштирилди. Турли хил тумна ногиронлик сабабли азият чекаётган ўн саккиз нафар бола вилоят реабилитация марказига ётқизилди.

Соғлом авлод дастури доирасида қишлоқларда режалаштирилган ишларимиз ҳали кўп.

Ҳолмўмин АБДУРАИМОВ, Зафаробод туман марказий касалхонаси касаба уюшма кўмитасининг раиси.

(Боши 1-бетда)

— Бугунги кунда шахримиз аҳолисини ишга жойлаштиришда меҳнат бозорини таҳлил қилиш, касб-хунарга йўналтириш энг муҳим ва долзарб масалалардан биридир. Шу боис бизда «Бандлик» дастури ишлаб чиқилди ва шу асосда фаолият кўрсатмоқдамиз. Унга асосан жойларда бўлимининг маҳалла худудий инспекторлари фаолият кўрсатмоқдалар. Бу аҳоли учун енгилликдир. Чунончи иш ахтарувчиларни рўйхатга олиш, ишга жойлаштириш, «ишсиз» мақоми берувчи комиссияга тақдим этиш, корхона, ташкилотларда бўш ишчи ўринларини аниқлаш каби масалалар худудий инспекторлар томонидан ҳал этилмоқда. Шунга қарамай, бу борада бир қатор муаммоларга ду-қелинмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги қонунининг айрим талабларини бажаришда

Бандлик дастури амалда ИШСИСЛИК МУАММОСИ

у Маргилонда қандай ҳал этиляпти?

бедарқлик қилинаёттир. Аниқроқ қилиб айтганда, бўш иш ўринларини яшириш ҳолатлари кузатилмоқда.

Аҳолини иш билан таъминлаш борасидаги имтиёزلардан яна бири шаҳардаги корхона, ташкилот, ўқув юртлари билан шартнома асосида ишсизларни ўқитиш ва қайта касб тайёрлашга жўборишдир. Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 19 июлдаги «Ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил қилиш тўғрисида»ги Низомига асосан «Пилла» ҳиссадорлик жамияти билан 70 нафар, 15-қурилиш трести билан 15 нафар, ХКМК-468 билан 5 нафар фуқароларни жамоат ишларига жўбориш учун шартномалар имзолаганимиз. Ҳозирги кунда иш би-

лан банд бўлмаган аҳолини жалб қилиш ва ҳужжатларни расмийлаштириш ишлари олиб борилмоқда. Бундан мақсад иш билан банд бўлмаган аҳолини вақтинча бўлса-да иш билан таъминлаш ва ана шу даврда мақбул иш ўрнини тақлиф этиш ва жойлаштиришдан иборатдир. Шартномада кўрсатилган муддатни ўтаб, доимий иш билан таъминланмаган фуқаролар ижтимоий ҳимояланмиб, жамоат ишлари тулагандан сўнг ишсизлик нафақаси билан таъминландилар.

Шу кунларда Меҳнат бўлими «Тадбиркорлар» палатаси билан ҳамкорликда тадбиркорлик билан шугулланмоқчи бўлган фуқароларни Фаргона Бизнес мактабига ўқишга жўбормоқда. Ўқиш харажатлари бўлим томонидан қоплаб

борилади. Энг муҳими бундай тадбиркорлар микрокредит билан таъминландилар. Имтиёзли кредитлар еса деҳқон-фермер ҳўжалиқларида яратиладиган иш ўринлари учун берилди.

— Бўлимимиз ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолига хизмат қилади. Меҳнат бозорига тенг рақобатлашга олмайдиган аҳоли учун «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги қонуннинг 7-моддаси талаблари асосида шаҳардаги корхона, ташкилотларни ўрганиб чиқиш, қафолатланган иш ўринларини белгилайди.

Қафолатланган иш ўринлари ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган, ишлашни хоҳловчи ногиронларга, армия хизматидан қайтганларга, олий, ўрта махсус, ўрта таълим даргоҳлари

битирувчилари ва жазо муддатини ўтаб келган фуқаролар учун белгиланади. Корхона, ташкилот аҳолининг бу қатлами учун иш ўринларини яратишлари шарт.

Юқорида айтилган қонуннинг 7-модда талабларини бажармаган корхона, ташкилот раҳбарларига ҳар бир яратилмаган иш ўрни учун 12 ойлик иш ҳақи миқдоридан жарима солинади. Санация қилинаётган ёки шат қисқартириши оқибатида бўшаётган ишсизлик ҳодимларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш чора-тадбирлари белгиланади. Уларни рўйхатга олиб, иш билан таъминлашда кўмаклашилади. Нафақа ёшига яқинлашган фуқаро (2 йилгача) бўлим томонидан 3 ой муддат ичида мақбул иш билан таъминланмаса,

«ишсиз» мақоми берувчи комиссияга тақдим қилинади ва хайъат қарори билан муддатидан олдин пенсияга чиқарилади. Қолган ҳолларда иш қидирувчилар учун ишсизлик нафақалари белгиланади ва тўланиши назорат қилинади.

Шунингдек, бўлим шаҳардаги «Хунармандлар» уюшмаси билан ҳамкорликни давом эттирмоқда. Икки томонлама шартнома тузилаёттир. Унга мувофиқ уюшма малакали хунарманд усталарга ишсизларни шогирд сифатида бириктиради. Ўқиш муддати тугагандан сўнг шогирдлар уюшмага имтиёзли равишда аъзо қилинади.

Хуллас, белгиланган дастурини амалга ошириш шаҳардаги ижтимоий ҳолатни барқарорлаштириш, шаҳар иқтисодиётини ривожлантиришга хизмат қилиши шубҳасиз.

Аҳмаджон ТУХТАСИНОВ, «Ишонч» мухбири.

Ибрат

ПИРОВАРД НАТИЖАГА БАРЧА МАСЪУЛ

Бухоро вилояти кончилари олиб бораётган саяё-ҳаракат туфайли салмоқли натижалар кўлга киритилмоқда. Жорий йилнинг беш ойи мобайнида мўлжалдаги 53 ўрнига 71 та қудуқ тўла таъмирланди, 356 миллион 369 минг сўм ўрнига 416 миллион 825 минг сўмлик иш бажарилиб, режа 117 фоизга адо этилди. Худудий кон бошқармаларида жаҳон андозаларига мос келадиган 23 та илғор технологик ускуна тўла қувват билан ишляпти.

— Бугунги кунда бебаҳо мўъжиза — ноёб ерости бойлиқларини қазиб олиш мамлакатимизнинг ақсарият саноат корхоналарининг ишланиши тўла қувват билан таъминлаш, унинг иқтисодий потенциалини кўтаришда асосий манба ҳисобланади, — деди республика «Ўзкон-нефтьгаз қазиб чиқариш» акциядорлик компаниясига қарашли Қоровулбозор шахридаги «Ўзнефтьгазқудуқ таъмирлаш» очик турдаги акциядорлик жамияти раҳбари Имом Мўминов «Туркистон-пресс» мухбирига. — Таъмирчиларимиз, асосан, учта нефт ва газ ишлаб чиқариш йирик худудий бошқармада ҳамда акциядорлик жамиятларига қарашли конларда иш олиб борадилар. Айниқса, «Муборак нефт-газ конлари бошқармаси», «Шўртан нефт-газ конлари бошқармаси», «Фарғона нефт-газ» очик турдаги акциядорлик жамиятига қарашли «Кўкдумалоқ», «Ўртабулоқ», «Қоровулбозор», «Қаршибулоқ», «Тандирча», «Яккасарой» сингари конларда нефт ва газ қазиб чиқариш, пармаловчи қудуқларни таъмирлашда катта ишлар амалга оширилмоқда.

Корхонада ишчилар манфаатдорлиги ҳам диққат марказида турибди. Иш ҳақи юқори даражада, шунингдек, бу ерда ишчилар маънавий соғлом муҳитда ишламоқдалар.

Ўтказилаётган таҳлиллар, кўрилатган чораларга қарамай айрим ташкилот ва муассасаларда қонун устуворлигини таъминлаш ҳамон суст кечаётганлиги кишини ўйлантирмасдан қўймайди. Чунинчи,

ҳақидан қарздорлик 13 та корхона ва ташкилотларда 32 миллион сўмини ташкил этади.

Шунингдек, аҳолининг газ, сув, электр энергияси ҳамда коммунал тўловлардан қарзлари микдори ҳам камаймаётир. Жумла-

дан, бу соҳалардан 185 миллион сўм қарздорлик мавжуд.

Хукумат қарорларини бажариш борасида содир этилаётган нуқсонларга назар ташланса, улар орасида мутасадди ташкилот раҳбарларининг қонунларни ханузгача яхши билмаслиги, улар ижросини таъминлашда ўзлари камчиликларга йўл қўётганлиги ачинарли ҳолдир.

Мулк эгалари пайдо бўлмасдан туриб, бозор муносабатларини ривожлантириш мушкул эканлиги барчага аён. Бунинг учун мулкни давлат тасаруфидан чиқариш, хусусий мулкчиликка, тадбиркорликка йўл очиш лозимлигини назарда тутиб, Республика Вазирлар Маҳкамаси «Савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектларини, улар жойлашган ер майдонларини мерос қилиб қолдириш шарти билан умрбод эгалик қилиш учун хусусий мулк сифатида сотиш тартиби тўғрисида»ги ҳаётбахш қарорни қабул қилганди. Ана шунга биноан вилоят Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ҳудудий бошқармаси томонидан шаҳар марказий «Деҳқон бозори» ҳудудидаги 58 та дўкон эгаларига жами 1605.85 кв. метр ер майдони билан 1445255 сўмга хусусийлаштириб берилганди. Эътиборлиси, ўтган йил давомида ана шу мулкдорлар томонидан бозор тўғрисидаги 911166 сўм маблағ тўланган. Аслида бу маблағ вилоят Давлат мулкни ҳудудий бошқармасининг ҳисоб рақамига

ўтказилиб, уни тадбиркорликни ривожлантиришга йўналтирилиши назарда тутилган.

Ўз-ўзини тафтиш қилиш, қонунлар ижросини таъминлаш бозор маъмурияти ходимлари томонидан ўта суст даражада олиб

борилганлиги боис, бепарволик юзга келган. Айни пайтда бу маблағ ўз жойига қайтарилди ва тадбиркорлар тўлаши керак бўлган маблағ ҳам ундирилди.

Маълумки, тиббиёт тизимини такомиллаштириш ва аҳолига намунали хиз-

лат жуда оз микдорда — ҳар бир сумкада атиги бир ёки икки дона борлиги кузатилади. Шунингдек, кучли оргрикни қолдирувчи — юрак глинезидлари, нафас йўллари очувчи, артериал, босим кўтарувчи дорилар тез тиббий ёрдам

«Тадбиркорбанк»да 3 та, «Саноатқурилиш-банк»да 4 та корхона ва ташкилотлар ўзaro тартибдаги режани бажармаган ёки умуман нақд пул топширишларга бепарволик билан қараб келганликларини қандай баҳолаш мумкин?

Энг ачинарлиси, корхона ва ташкилотлардаги мутасаддиларнинг масъулиятни ҳис этмаслиги оқибатида тармоқларда қарздорлик камайиш ўрнига тобора кўпайиб бормоқда. Биргина апрел ойида дебитор қарзлар микдори 6 миллиард 184.403 миң сўмини, шу жумладан, муддати ўтган дебитор қарз 186 миллион

### КОРХОНА ЖАРИМА ТЎЛАДИ

Вазирлар Маҳкамасининг «Аҳоли билан пуллик ҳисоб-китоб қилишда назорат касса машиналарини мажбурий қўллаш тартиби тўғрисида»ги қарорининг кучга кирганига беш йилдан ошди. Аммо бу муҳим ишда ўзибўларчилик, масъулиятсизликка йўл қўйилаётган ҳолларга дуч келинапти. Масалан, бир ерда НКМлар хўжа кўрсинга савлат тўкиб турган бўлса, иккинчи жойда улар ҳамон ўрнатилганича йўқ.

Косон очик ҳиссадор-

### Қилмиш-қидирмиш

лик жамиятига қарашли 25-савдо дўкониди НКМ ўрнатилмасдан савдосотиқ ишлари амалга оширилаётганлиги боис жамият раиси Х.Умиров 8750 сўм маъмурий жарима тўлади.

Қарши шаҳридаги «Шоҳбоз» хусусий фирмаси, Чироқчи туманидаги «Қалқам» савдо бирлашмаси, Қарши туманидаги «Бешкент» очик савдо ҳиссадорлик жамиятига қарашли дўконларда ҳам савдо қондалари такоран бузилганлиги аниқланиб, расмийлаштирилган ҳужжатлар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга оширилди.

### АНТИҚА ДОРИХОНА

Сизга дори-дармон керами? «Бормаган дори-хонам қолмади, тополма-ямман» дейсизми? Ундай бўлса, Қарши шаҳридаги 6-митти тумандаги 1/13-уй 31-хонадонга боринг, антиқа дори-хона бор, истаганингизни топасиз, пулидан қочмасангиз бўлгани.

Баҳористон туманида-

ги Чандир қишлоғида яшовчи Анора Мусурмоновага ҳам қўллар ана шундай маслаҳат беришди. Тўғри экан, бу ерда ўзига хос дори-хона очиб олган Баҳорхой Каримова айрим миждозларининг мушқулини осон қилди. Аммо кўза куниди синади деганларидек Анора «дори-хона»дан чиқиши билан солиқ ходимларига дуч келди.

Қарши туманидаги Кўчкақ қишлоғида яшовчи, шаҳарда дори-хона очиб, савдони авж олдириб катта даромад олиб келаётган Б.Каримовадан тегишли ҳужжатлар сўралди. Афсуски, дори-хона билан давлат рўйхатидан ўтганлик, на дори-дармон воситалари сотиш билан шуғулланиш ҳақидаги рухсатномани кўрсата олди. Унинг иктиёрида бўлган 700 миң сўмликдан ортик дори-дармон воситалари дилии ашё сифатида олинди.

К.ЭГАМБЕРДИЕВ.

## ДЕБИТОР ВА КРЕДИТОР ҚАРЗ

юзага келишига кимлар сабабчи?

Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамасининг «Иш ҳақининг ўз вақтида тўланиши учун вазирликлар, идоралар ва хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарларининг жавобгарлигини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ҳамда Муддати ўтказиб юборилган дебиторлик қарзлари пайдо бўлганлиги учун вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва корхоналар раҳбарларининг жавобгарлигини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги қарорлари ижросини кўнгилдагидек деб бўлмайди. Ана шунинг оқибатида жорий йил феврал ҳолатига кўра, шаҳар бўйича дебиторлик қарзлар микдори 5133 миллион сўм, кредитор қарзлар эса 8572.3 миллион сўмини ташкил қилиб, шундан муддати ўтган дебиторлик қарзлар 81 миллион сўмдан иборат бўлиб турибди. Нохушлиқнинг олдини олишни таъминлаш борасида бир неча бор таъкидланаётганлигига қарамастан «Жануб-газқурилиш», «Урганч-рансгаз», «Нефтмаҳсулотлари» каби тизимларда аҳвол ўзгармапти.

Бунинг оқибатида айрим корхона ва ташкилотлар ҳисоб-рақамларида маблағ йўқлигини Вазирлар Маҳкамасининг ўтган йилдаги 504-сонли қарориди кўзда тутилган талаблар тўлиқ фодасини топмади. Яъни, шу йил феврал ойи ҳолатига кўра, иш

дан, бу соҳалардан 185 миллион сўм қарздорлик мавжуд.

Хукумат қарорларини бажариш борасида содир этилаётган нуқсонларга назар ташланса, улар орасида мутасадди ташкилот раҳбарларининг қонунларни ханузгача яхши билмаслиги, улар ижросини таъминлашда ўзлари камчиликларга йўл қўётганлиги ачинарли ҳолдир.

Мулк эгалари пайдо бўлмасдан туриб, бозор муносабатларини ривожлантириш мушкул эканлиги барчага аён. Бунинг учун мулкни давлат тасаруфидан чиқариш, хусусий мулкчиликка, тадбиркорликка йўл очиш лозимлигини назарда тутиб, Республика Вазирлар Маҳкамаси «Савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектларини, улар жойлашган ер майдонларини мерос қилиб қолдириш шарти билан умрбод эгалик қилиш учун хусусий мулк сифатида сотиш тартиби тўғрисида»ги ҳаётбахш қарорни қабул қилганди. Ана шунга биноан вилоят Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ҳудудий бошқармаси томонидан шаҳар марказий «Деҳқон бозори» ҳудудидаги 58 та дўкон эгаларига жами 1605.85 кв. метр ер майдони билан 1445255 сўмга хусусийлаштириб берилганди. Эътиборлиси, ўтган йил давомида ана шу мулкдорлар томонидан бозор тўғрисидаги 911166 сўм маблағ тўланган. Аслида бу маблағ вилоят Давлат мулкни ҳудудий бошқармасининг ҳисоб рақамига

мат кўрсатиш соҳасида ҳам ҳукуматимиз бир қатор тадбирларни ишлаб чиққан. Зеро, бундан кўзланган мақсад — эл соғлигини мустаҳкамлаш, фаровонлиқни таъминлаш. Шу жиҳатдан олиб қаралганда Республикада дори-дармонлар ва тиббиёт бўлимлари билан таъминлашнинг яхшилашга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисидаги Вазирлар Маҳкамасининг қарори соҳада тўпланиб қолган кўллаб муаммони ҳал этишда дастуриламал бўлди. Аммо бу соҳада ҳам нуқсонлар ҳамон бар-тароф этилмаётганлиги аҳоли эътирозига сабаб бўлмоқда.

Масалан, Урганч шаҳар марказий шифохонаси тез тиббий ёрдам бўлимида қонун ижроси таҳлил этилганда 9 турдаги ампулалар, 10 турдаги таблетка-

Суриштирсангиз — «Шу бугун тугаб қолувди, албатта, ҳаммасини жойига қўямиз», дейишдан нарига ўтолмайди, мутасаддилар.

Эътиборни яна бир мулоҳазага қаратсангиз. Банк ва миждозларнинг ўзаро ҳамкорлиги ҳам иш фаолиятини кенгайтиришга, ҳам нақд пул айланмаларини тартибда солиштириш имкон беришига шубҳа йўқ. Бироқ корхона ва ташкилотлардаги, яқна тартибда фаолият кўрсатётган ишлаб чиқариш ташкилотлардаги баъзи ходимларнинг масъулиятсизлиги боис, банкларда режалаштирилган айланма маблағи тушуми ўз меъёрига етмапти. Масалан, «Пахтабанк»да 4 та, «Миллийбанк»да 10, «Ғаллабанк»да 4, «Уй-жойжамғармабанк»да 7, «Савдогарбанк»да 8 та,

сўмини, яъни фақат дебиторлик қарзлар январ ойига нисбатан 978 миллион сўмдан ошиб кетган.

Хукуматимиз юрт ривожини, халқ фаровонлиги йўлида неки лозим бўлса, барчасини қонунлар доирасида белгилаб берган. Унинг ижросини таъминлаб бугундан кўра, эртага фаровон яшаш сазъ-ҳаракатида фидойилик қилиш фарз. Урганч шаҳрида қайд этилган ҳолатдаги қарздорлар эса ҳали бу борада кўп изланишларни тақозо этади.

**Г.ЙЎЛДОШЕВ,**  
Урганч шаҳар ҳокими муовини, назорат инспекцияси раҳбари.

## «Қорадори-2000» ГИЁҲВАНДЛИК ПАЙИ ҚИРҚИЛМОҚДА

Кенг жамоатчиликни гиёҳвандлик муаммоси қаттиқ ташвишга солаётгани сир эмас. Бу ярамас иллатга қарши кураш борасида мамлакатимизда қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, республика миждознинг барча ҳудудларида жорий йилнинг 1 майдан бошлаб кенг қамровли «Қорадори-2000» тадбири ўтказилмоқда. Қисқа фурсатда 440 та ҳолатда, 7 миң 605 квадрат метр майдонда таркибиди наркотик моддаси бўлган ўсимликлар экиб парваришланаётгани аниқланиб, йўқ қилинди. Тадбир давомида қонунбузарликлар натижаси таҳлил қилинар экан, захиротил моддаларни етиштириш билан шуғулланаётган кишилар орасида аёлларнинг ҳам учраётгани ташвишлантиради.

Олот туманида яшовчи нафақахўр Розия ая томорқасидаги 80 квадрат метр майдонда 300 туп кўкнор гиёҳвандлик ўсимлигини парваришлаётганлигидан хабардор қариндошлари унга бу жиноят эканлигини, уни йўқотиш даркорлигини айтишига ҳам қулоқ солмади. Когон туманида яшовчи, нафақахўр София аянинг уйдан эса 300 дона,

297 грамм кўкнор бошогининг қуритилган ҳолдагиси олиниб, ҳозирда ушбу ҳолатлар бўйича тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Шунингдек, Самарқанд-Панжикент йўлининг Жартепи қишлоғи ҳудудида ҳеч қаерда ишламайдиган, Урганч туманида яшовчи И.Жўра бошқарувидаги «Дамас» русумли автомашина тўхта-тиб текширилганда, 4 килограмм 365 грамм қорадори ва 582 грамм героин гиёҳвандлик моддаси топилди.

Эътироф этиш кераки, тадбир давомида наркотик моддаларни тарқатиш билан шуғулланаётган 187 та, оғуни бир жойдан иккинчи жойга ташиш билан шуғулланаётган 48 нафар шахслар ушланиб жиноий жавобгарликка тортилди. Наркотик моддаларни истеъмол қилиш учун ташкил қилинган 7 та бангхона аниқланиб, фш этилди. Жами бир миң 60 та ҳолат аниқланиб, 873 та жиноят иши кўзга тилиди. Шу кунгача жиноятчилардан 85 килограммдан ортик наркотик моддалар тортиб

олинди. Улардан 41 килограммдан ортигини героин, 22 килограммга яқин қорадори, 15 килограмм гашиш, 6 килограмм марихуана, 1 килограммга яқини кўкнори ташкил этади.

Сурхондарё вилоятида ҳам «Қорадори-2000» тадбири ушқоқлик билан ўтказилиб, гиёҳвандликка қарши кескин кураш олиб борилмоқда. Натжида ички ишлар ходимлари томонидан захиротил моддаларни етиштириш ва тарқатиш билан боғлиқ қатор жиноятлар фш қилинаётир.

Вилоят темир йўл бекати кутиш залида шахсини аниқлаш учун текширилган Турсунзода туманида яшовчи, 1964 йилда туғилган Зиядулло Нурматовнинг суммасидан 3 килограмм 390 грамм героин топилган. Ушбу туманида яшовчи И.Эрназар Б.Очилов номли жамоа хўжалиги ҳудудида 1 килограмм 23 грамм героин гиёҳвандлик моддасини 3500 АҚШ долларига сотаётганида тумшугидан илинди. Ҳозирда ушбу ҳолатлар бўйича тергов ишлари олиб борилмоқда.

Шерали АНВАРОВ.



Қоровулбозор тумани халқ таълими бўлими ёшларнинг ҳуқуқий онгини ўстириш мақсадида ибратли тадбирларни амалга оширишмоқда. Улар билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари тез-тез учрашувлар, суҳбатлар ўтказиб турадилар.

Суратда: туман прокурори, адлия маслаҳатчиси А.Тоғаев халқ таълими бўлими ходимлари билан навбатдаги мулоқот олдидан.

### Суд очерки

Одамлар Муроджон билан Нуъмонжонни битта майиз топса бўлиб ейдиган қадрдонлар деб билишарди. Айниқса, софидил Муроджоннинг синфдош ва маҳалладоши Нуъмонга нисбатан садоқатига қойил қолишарди. Уйли-жойли бўлишганда ҳам дўстлик ришталари узилмади. Улғайиш Муроджон қалбидидаги дўстлик туйғуларига янги мазмун, янги қудрат, улғуворлик ва фидойиликни бахш этади. Содда Муроджон Нуъмонга жуда-жуда ишонар, дўстим бор — демак ишонган боғим, суюнган тоғим бор деб, фахрланиб юрарди.

Донолар ҳикматида дўст моҳияти уч турга бўлинади: — биринчиси — дўсти оний, иккинчиси — дўсти ноий, учинчиси — дўсти жоний. Оний дўст — одатда мас-тликда пайдо бўлади-ю, хушёрликда йўқолади. Дўсти ноий — пул, молининг учун жон тиккан киши. Пул — молининг йўқми — уям йўқ. Дўсти жоний — ҳақиқий, қиёматли дўст. Муроджон Нуъмоннинг дўстининг учинчи хилидан деб биларди. Бироқ...

Биродар, — деди Нуъмон бир кун гапнинг ахволда Муроджонга учраб, — биласиз, бугеги бозор иштисодиёти... тўрт-беш ерга ишга кирдим, лекин бирор-тасида кўним тополмадим. Рўзгорни эса тебратиб туриш керак. Энди уйда дурадгорлик устахонаси очмоқчиман. Шунга пулдан қарашворармикансиз, деб бош уриб келдим. Сиздан бўлак, кимгаям айтардим, бу гапни.

Ўзимни сал тиклаб олиб, икки-уч ойда фойизи билан қайтараман. Шундай пайтда кор келмаган дўст — дўстми. Муроджон ўйлаб ўтирмай, машина сотиб олиш учун йиғиб юрган пулини Нуъмонга тутқазди.

Ўшанда 1992 йил эди. Орадан ойлар ортидан йиллар ҳам ўтиб кетди. Бу орада Нуъмоннинг фарзандлари бештага етди. Муроджон ҳам икки фарзандли бўлди. Аммо қарзнинг қайтишидан дарак йўқ эди. Бир кун Муроджон ҳисобли дўст айрилмас, қабилида йўл тутиб, қарзни сўрайди, лекин Нуъмон гапни бошқача талқин этиб:

— Сизга бераман, деб анча-мунча пул йиғиб қўйгандим. Аммо кўшим кўз ёши тўкиб келиб, беш-олти юз миң сўм пул бердан турмасангиз, аҳолиим оғир деб кирган эди, бериб юборибман. Ўша қўшим бир ҳафтадан

кейин Россиядан қайтади. Ундан пулни оламан-у, сизга бераман. Унгача яна 5000 сўм бериб туринг, икковини битта қилиб, келаси ҳафтада қайтараман.

Дўстига беҳад эътиқод қўйган Муроджон бу гал ҳам Нуъмон айтганча 5000 сўмини йиғиб берди. Орадан яна йиллар ўтди, Муроджоннинг дўстидан умиди катта, аммо қарзни тўлаш Нуъмоннинг ҳаёлига келмасди. Муроджон аввалига қиёматли дўстидан пулни қисташга ийманиб юрди, бора-бора пулга муҳтожлиги сезилгач, Нуъмоннига умид билан борар, лекин ундан қуруқ ваъдани олиб, ноумид қайтарди.

Нуъмон кунларнинг бирида Муроджонга кўнғироқ қилиб, келиб, пулингизни олиб кетинг, биродар деди.

Дўстининг қутилмаган хушхабаридан суюнган Муроджон яқин таниши Рафиқ Ташбоев машина-

сига ўтириб, ўша заҳотиёқ етиб борди. Нуъмоннинг кўзидан ўт чақнар, тилидан заҳар томар, оғзидан ароқ хиди анқирди.

— Қани айт, сендан қанча қарзман?

— Ўзингиз яхши биласиз-ку...

— Менинг ҳисоб-китобимга қараганда, бундан 7 йил илгари берган пулинг туғиб-туғиб, ҳозирда 600 миң сўмдан ошиб кетди.

1996 йилда берган пулингнинг инфляция қиммати ҳам анчага бориб қолди. Шундайми? — Нуъмоннинг тишлари гижирлаб кетди. Унинг кўзлари олазарак бўлиб атрофдан ниманидир қидираб, рангидан қон қочган, бир кўқарар, бир оқарарди. Муроджон бирор хавфни сезгандай, Рафиқонни секин туртди: «Кетамиз». Рафиқ Ташбоев ҳам балодан ҳазар дегандай, шошиб машинаси томон кетди. Мурод-

# ДЎСТ ХИЁНАТИ

қилмишига яраша муносиб жазо белгилади.

— Жиноятнинг келиб чиқишини кўпчилик фуқароларимизнинг қонунларни яхши билмасликларини сабаб бўляпти, — дейди бу ишни кўриб чиққан Андижон вилоят суди судьяси Р.Ҳамдамова, — фуқаролар ўртасидаги мулкрий низолар фақат қонун йўли билан ҳал этилиши лозим. Буни жабрланувчи ҳам, судланувчи ҳам ўзларича ҳал этмоқчи бўлишган, уларнинг яқин кишилари ҳам бунга бепарво қарашган.

Ҳар нима бўлганда ҳам ўта оғир жиноят юз берди. Унинг оқибатида бир яхши инсон энг олий неъмат — ҳаётдан эрта кўз юмди, фарзандлари етим, аёли бева қолди.

Дўст танлашда ҳам хушёр бўлмоқ лозим. Дўсти жоний деб билганингиз дўсти ноий бўлиб чиқиши ва охир-оқибат энг покиза ва муқаддас туйғуларга хиёнат қилиши ҳам мумкин экан.

М.АБДУКАРИМОВ.

